

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

Олдинги таҳрирга қаранг.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИГА ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН ЎҚИШГА КИРИШ
УЧУН ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА УЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

(буйруқ номи Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 21 июлдаги 18-мў-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-1, 22.07.2015 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 29-сон, 391-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 августда 1992-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 августдаги «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 169-сонли қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларитўплами, 2008 й., 31-32-сон, 304-модда) ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

Олдинги таҳрирга қаранг.

1. Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 21 июлдаги 18-мў-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-1, 22.07.2015 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 29-сон, 391-модда)

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Халқ таълими вазири Ғ. ШОУМАРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 июль,
180-сон

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2009 йил 6 июлдаги 180-сонли буйруғига
ИЛОВА

Олдинги таҳрирга қаранг.

**Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий
фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб
чиқиш тартиби тўғрисидаги**

ЙЎРИҚНОМА

(илова номи Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 21 июлдаги 18-мў-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-1, 22.07.2015 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 29-сон, 391-модда)

I. Умумий қоидалар

Олдинги таҳрирга қаранг.

1. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 августдаги 169-сон «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига (бундан буён матнда мактаб деб юритилади) хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 21 июлдаги 18-мў-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-1, 22.07.2015 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 29-сон, 391-модда)

2. Мактабларда хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш бўйича барча ишларни ташкил этиш, ўқув-услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади.

3. Мактабларга ўқишга кириш истагини билдирган хорижий фуқаролар мазкур Йўриқнома билан таништирилиши лозим.

II. Хорижий фуқароларнинг ҳужжатларини қабул қилиш тартиби

4. Хорижий фуқаролар мактабга ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Олдинги таҳрирга қаранг.

бола ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома орқали белгиланган вакилларнинг болани мактабга қабул қилиш тўғрисидаги аризаси;

(4-банднинг иккинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 21 июлдаги 18-мў-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-1, 22.07.2015 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 29-сон, 391-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

ўрганилган фанлар ва улар бўйича имтиҳонларда олинган баҳолар (баллар) кўрсатилган маълумоти ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхалари;

(4-банднинг учинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 апрелдаги 5-мў-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-2, 05.05.2018 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2018 й., 10/18/1992-2/1171-сон)

соғлиғи тўғрисидаги тиббий хулоса;

миллий паспорт (амалдаги визаси билан) ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома;

Олдинги таҳрирга қаранг.

4 х 6 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

(4-банднинг олтинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 21 июлдаги 18-мў-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-1, 22.07.2015 й.) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 29-сон, 391-модда)

5. Ҳужжатлар хорижий фуқаро ўқиш истагини билдирган мактаб маъмурияти қошидаги қабул комиссиясига (кейинги ўринларда қабул комиссияси деб юритилади) тақдим этилади.

6. Қабул комиссияси хорижий фуқаро иштирокида унинг тил тайёргарлигидан ўтиш масаласини аниқлайди ва тегишли тавсия беради.

Мактабларга ўқишга кираётган хорижий фуқаролар, зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда, ўқиётган жойида тил ўрганиш бўйича тайёргарлик курсини ўтайдилар.

Олдинги таҳрирга қаранг.

7. Қабул комиссияси томонидан мактабда ўқиш истагини билдирган хорижий фуқаронинг ҳужжатлари, уни ўқишга қабул қилиш бўйича тузилган далолатнома ҳамда у билан тузиладиган шартнома (контракт) лойиҳаси туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига юборилади, шундан сўнг улар томонидан ҳужжатлар жамланиб Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармаларига юборилади.

Вазирлик ва идоралар тасарруфидаги мактабларда ташкил этилган қабул комиссияси томонидан ҳужжатлар тегишли вазирлик ва идораларга юборилади.

(7-банд Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 апрелдаги 5-мў-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-2, 05.05.2018 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2018 й., 10/18/1992-2/1171-сон)

III. Хорижий фуқароларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби

Олдинги тахрирга қаранг.

(8-банд Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 апрелдаги 5-мўсонли буйруғига (рўйхат рақами 1992-2, 05.05.2018 й.) асосан ўз кучини йўқотган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2018 й., 10/18/1992-2/1171-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

9. Хорижий фуқароларнинг ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузурида тузилган хорижий фуқароларни мактабга ўқиш учун қабул қилиш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда махсус комиссия деб юритилади) томонидан 10 кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Вазирлик ва идоралар тасарруфидаги мактабларда ўқиш истагини билдирган хорижий фуқароларнинг ҳужжатлари ушбу вазирлик ва идоралар томонидан 10 кунлик муддатда кўриб чиқилиб қарор қабул қилинади.

(9-банд Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 апрелдаги 5-мўсонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-2, 05.05.2018 й.) тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2018 й., 10/18/1992-2/1171-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

10. Махсус комиссия ҳужжатларни ўрганиш жараёнида ҳужжатларга аниқлик киритиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари номидан тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга сўров хатлари юбориш ҳуқуқига эга.

(10-банд Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 апрелдаги 5-мўсонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-2, 05.05.2018 й.) тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2018 й., 10/18/1992-2/1171-сон)

11. Махсус комиссия ўрганилган ҳужжатларга асосланиб, хорижий фуқарони мактабга қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

12. Махсус комиссиянинг хорижий фуқарони мактабга қабул қилиш тўғрисидаги қарори у билан шахсий шартнома (контракт) тузиш учун асос бўлади.

Олдинги тахрирга қаранг.

13. Махсус комиссия томонидан хорижий фуқарони мактабга қабул қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг, ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан тегишли мактабларга юбориш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига юборилади.

(13-банд Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 апрелдаги 5-мўсонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-2, 05.05.2018 й.) тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2018 й., 10/18/1992-2/1171-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг хорижий фуқарони мактабга қабул қилиш бўйича ёзма кўрсатмасига асосан мактаб маъмурияти хорижий фуқарони мактабга қабул қилиш юзасидан ўз буйруғини чиқаради ҳамда хорижий фуқаро ва мактаб ўртасида ўқиш бўйича шахсий шартнома (контракт) тузади.

(14-банд Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 апрелдаги 5-мўсонли буйруғи (рўйхат рақами 1992-2, 05.05.2018 й.) тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2018 й., 10/18/1992-2/1171-сон)

IV. Яқуний қоидалар

15. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

16. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири А. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 июнь

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 июнь

Ташқи ишлар вазири Н. НОРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 июнь

Соғлиқни сақлаш вазири А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 июнь

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 32-33-сон, 365-модда; 2015 й., 29-сон, 391-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2018 й., 10/18/1992-2/1171-сон)